



## Оқ олтин — 96



## КУЗГИ ДОН ЭКИШ ЖАДАЛ

Дон ризқ-рузимиз, дастур-хонимиз қурки, фаровон турмушимиз манбаи. Шу боисдан бу хайрли ишга қул урган ҳар бир хўжалик республикамиз ғалла мустақиллигига муносиб ҳисса қўшиш билан бирга ўз жамоасини ҳам бебаҳо неъматга булган эҳтижини қондиради, рўзғори туқин бўлишига замин яратди.

Ана шундай эзгу ният йўлида филокорона меҳнат қиладиган Юқори Чирчиқ туманидаги «Юқори Чирчиқ» дехқон (фермер) хўжалигининг миришкорлари жорий йилда бу соҳадаги режаларини ортиги билан бажаришганди. Энди эса келгуси йилги мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратиш учун кузги дон экишни уюшқоқлик билан олиб боришарди. Бу муҳим ишга хўжаликнинг дончилик бўйича мутахассиси Назир Исоқов бошлиқ гуруҳ аъзолари жалб этилган.

Хўжалик аъзолари жорий йилда 300 гектар майдонга сифатли уруғ экиб, уни бир текис ундириб оlishни режалаштиришган. Шундан 200 гектари очик майдонга, 100 гектари эса гузлап орасига экилади.

Хўжаликнинг Махмуд Пердубоев, Собир Умиров, Махмуд Тостанбеков каби механикаторлари дончиликка тажриба ортирганлардан. Жорий йил экиш мавсуми улар зиммасига юклатилган. Улар кунига 18-20 гектар майдонга уруғ сеппимокда.

Хўжаликда кузги дон экишда ҳамда пахта йиғим-теримида иштирок этатганлар учун шартлар яратилган. Илгори экиш мавсуми ва маънавий рағбатлантириб борилмоқда. Суръат ва сифат уларнинг асосий шариҳи айланган.

— Келгуси йили ҳам мўл ҳосил етиштириш, ҳосилдорликни ошириб, соҳадан мўл даромад олиш ғаллакорларимизнинг эзгу ниятидир, — дейди дехқон (фермер) хўжалиги раиси Ермек Налибоев. — Мустақил республикамизда дончиликни ривожлантиришче умумхалқ ивида фаол иштирок этиш ҳар биримизнинг Ватан, эл олдиди муқаддас бурчимиздир.

Дарҳақиқат, бу соҳага ижодий ёндашиб, юқори курсаткича эришган жамоаларнинг даромадлари кўпайиб, турмушлари фаровонлашаверилади. Бунинг билан ҳам қилган хўжалик ғаллакорлари мавсумини тез ва сифатли якунлаш учун кун сайин суръатини оширмоқдалар.

Эркин Тўлаганов,  
«Қишлоқ ҳаёти»  
мухбири.

## САФАРБАРЛИК

Сирдаре далалари қордек оппоқ, Шунчалар оппоқки, кўзини қўнатилади. Ҳаммаекда меҳнат сурури.

Барчанинг жойи ҳозир далада. Кўни кеча вилоят ҳокими қабул қилган фармонга қўра ташкилот, корхона, муассасалар раҳбарлари барчани пахта йиғим-теримида сафарбар этиш чора-тадбирларини белгиланган.

Тугри, вилоят ҳозирча республикада пахта тайёрлаш бўйича охири уринларда. Бунинг сабаби шунки, вилоятда теримдаги асосий юк механикаторлар зиммасига юклатилган. Бугун-эрта машина теримга етасига киришди, суръат отига қамчи урилади.

— Бу йил давлатга 325 минг тонна пахта сотилиши керак, — дейди вилоят ҳокимининг биринчи уринбосари Ҳабибулло Янгибоев. — Далаларда режани қоплайдиган микродора ҳосил бор. Вазифа — уни уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш.

Вилоят хўжаликчилари бу йил 150 та янги «загори кема»лар сотиб олди. Жами 2 мингта яқин терим машиналари далаларда жалон ура бошлайди.

Ҳозир қўл терими билан бирга айрим туманларда дастлабки машина терими бошланди.

Айниқса, Боевут туманидаги 3-«Боевут» ширкатлар уюшмасида ишлар жалал.

Жамоа раҳбари, Ўзбекистонда хизмат курсатган қишлоқ хўжалик ҳокими Султонбой Раҳмонқулнинг айтишига қараганда, улар бу йил она-Ватанга режалда 9 миң урнига 11 миң тонна оқ олтин тортиқ қилишди. Ҳосилдорлик 35 центнердан ортади.

21 сентябрь кўни далаларга дастлабки машиналар тушди. Ҳисоб-китоблар биринчи теримнинг узиланоқ гектаридан 30 центнердан ортиқ ҳосил йиғиштириб олинаётганини курсатди.

Ширкатлар уюшмаси янгиликка ўч. Деярли ҳамма тармоқлар тула телефонлаштирилган. Катта картанинг бир бошида турғиб, радиотелефон орқали унинг нариги чеккасидаги механик-ҳайдовчига курсатма бериш мумкин. Ҳозирча телефон уюси 30 та бўлиб, унинг ҳаракат радиуси 17 километрни қамраб олган. Кейинги йили бундай алоқа 70 километр радиусдаги масофага хизмат қилидиганлари билан алмаштирилади.

Шунингдек, тумандаги «1 Май» епик турдаги ҳиссадорлик жамаида ҳам машина терими

га қизгин киришилган. Бу иш Турдикул Мусулмонқулов бригадасидан бошланди. Ҳисоб-китоблар биринчи теримдан оқ гектарига 28 центнердан ҳосил йиғиштириб олинаётганини курсатди.

Терим мавсумида моддий манфаатдорлик яхши йўлга қўйилганлиги боис юқори натижага эришилмоқда. Машинада терилган бир тонна хом аше учун 50 сўм, қўл теримидаги хар бир килограмм учун 2 сўмдан нақд пул туланмоқда. Бу терим иштирокчиларининг гайрат-шижоатини оширяпти.

...Ҳа, азим Сир буйи нурга тулгандек, далалар оппоқ, Сирлареликлар бу мавсумда бир неча йиллик қоқоқлик маломатидан қутилиб, режани еруғ уз билан бажаришга астойдил бел боғланганлар.

**Ҳ. ОБИДОВ,  
Н. МУҲАММАДЖОНОВ,  
СУРАТЛАРДА: 1. Далаларда  
машиналар жалон урмоқда.  
2. Бўлим бошиги Султонхўжа  
Мирзахўжаев механикатор Аб-  
дужаббор Тўраев билан сўхбат-  
лашмоқда. 3. «3-Боевут» шир-  
катлар уюшмаси раҳбари Сул-  
тонбой Раҳмонқулов.  
Н. МУҲАММАДЖОНОВ,  
олган суратлар.**

## Хирмонга барака

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА  
ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА  
1996 ЙИЛ 26 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН  
МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошдан буён
Андижон	2,11	53,97
Сурхондаре	1,73	49,13
Бухоро	1,94	45,33
Хоразм	2,20	43,64
Фарғона	1,46	40,26
Навоий	1,29	39,77
Самарқанд	0,86	37,91
Қашқадар	1,59	33,01
Наманган	1,70	30,05
Қорақалпоғистон Республикаси	1,56	23,75
Тошкент	0,80	16,27
Жиззах	0,50	10,08
Сирдаре	0,38	9,00

Республика бўйича 1,44 33,85  
1995 йилда 2,74 51,53

**ЖУМЛАДАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА**

(Тонна ҳисобида)

Сурхондаре	969	15069
Қашқадар	141	2171
Наманган	—	—
Республика бўйича	1110	17240
1995 йилда	1407	24806

## ТЕХНИКАГА ТАЯНИБ

Бир пайтлар «Тошкент технологияси» деган ибора кўпчиликнинг тилига тушган эди. Унинг моҳияти шундан иборат эдики, оқ олтин машина ва механикаторлар ердамида қисқа муддатларда йиғиштириб олинди.

Давр узариши билан у таомилдан чиқиб, жойларда яна қўл терими устивор бўлиб қолди. Лекин ҳосилни йиғиб олишнинг илгори усулини сақлаб қолган, уни қайтадан амалиётга жорий қилишга бел боғлаган хўжаликлар ва туманлар ҳам йўқ эмас. Чунки, утган йилда Юқори Чирчиқ туманида жами оқ олтиннинг 11.322 тоннаси пулат этаклар зиммасига тугри келди, бу ҳосилнинг 56,4 фоизини ташкил этади.

— Жорий йилда ҳосилнинг қамиди 70 фоизини машина ва механизаторлар орқали йиғиштириб олишни мўлжаллашди, — дейди Юқори Чирчиқ тумани ҳокимининг биринчи муовини Меҳриддин Ёқубов. — Шу мақсадда ҳокимимиз Мирзахўжа ака Низомиддиннинг вилоятнинг пахта узлари август ойида «Пахта-банк» республика бошқаруви раиси ҳузурда бўлиб, техникани теримга шай қилиш, эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 6 миллион сўм кредит ажратилишига эришилди. Ушбу кунга келиб 152 пахта теричи, 57 сўк теричи, 64 сўк чувиш машиналари тахт ҳолатда турибди. Барг туқиб талбирлари ҳам муддатда бажарилиди. Кўни кеча «Дустлик» ҳиссадорлик жамаида худуддаги майдонларга дастлабки зангори кемадани олиб чиққан эдик, лекин тўсатдан бошланган эмгир бироз халақит берди.

— Асосий пахта майдонларимизга машина теримга қудай ва тола чиқинчи юқори

бўлган С-6532 ва Наманган-77 навларини экканмиз, — дейди район «Агрохизмат» фирмасининг бош ҳосилоти Аскар Хўжақуллов. — Пахтанинг етилиши сад кетиканга қарамай ҳосил чўги яхши, мўлжаллагидан ҳам ортиқ хирмон кўтаришга имкон берадиган даражалардир.

Туман агроносат мажмуида йилгори йилдан кўпроқ тер туки келатган агроном Зоир ака Тожиев деди:

— Техникага таянган алдамиди. Тошкент технологиясига амал қилган йилларимиз 13-15 фоз кўнлик уюшга эришганмиз. Бу йил ҳам, худуд хоҳла-са, техника ердамида қисқа муддатларда ҳосилни йиғиштириб оламиз.

Юқори Чирчиқ оқ олтин етиштириладиган салқин мизда қайтадан шунинг учун ҳам бу ерда қисқарилган очилишин тезлатадиган «Преп» до-ривор моддасидан кенг фойдаланиш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Бу йил «Дустлик» ҳиссадорлик жамаида пахтазорларида синаб қўрилган бу препаратнинг самараси қандай юқори эканини зангори кемадани да-лага олиб чиқилишига бағишланган курик-йиғишга келган раҳбарлар ва мутахассислар амалда ишонч ҳосил қилишди. Биз туманда бўлган кўни ҳавонинг қовоғи сояқ, дам-бадам эмгир емоқда эди. Лекин эртаси кўни она-табиат ҳам худди нияти хо-ли пахтакорларга оқ йул тила-ганидек қуш чарақлаб, мовий осмонда бутудан асар қолмади. Шоянки, Юқори Чирчиқлик оқ олтин устари табиатнинг бу иноятига ўз билим ва малакаларини пайванд этиб, биринчи-лар қаторида маррага етиб келишди.

**Ш. АЛЛАМОВ,  
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

## СУСТКАШЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

Маълумки, пахта терими — энг масъулиятли палла: бутун йил буйи қилинган меҳнат ана шу кунларда кўнларда поёнига етади. Долзарб мавсум ҳар бир дала меҳнатчисидан, бригадирдан тортиб, туман ва вилоят раҳбарларига ҳам муҳим ишга масъулият билан ёндашишни талаб этади.

Пахта хом аше си республикамиз учун қанчалик зарур қийматга эга, эканлигини қалбдан ҳис қилган ушлаб жамоа хўжаликчилари, звенолар мавсумининг биринчи ун кунларидек зафар қўчиллар. Жумладан, Андижон вилоятдаги 12 та звено, Пешку туманидаги 2 та жамоа хўжалиги, Қашқадар вилоятдан 5 та звено ва жамоа хўжалиги, Денов туманидаги Амир Темур номи жамоа хўжалиги каби юк-сак маррага эришган фидойилар сонини яна қўлаб санаш мумкин.

Лекин даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб, деган нақл бор. Долзарб паллада пахта терим машиналаридан самарали фойдаланиш мавсум галабасини

таъминлайди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1996 йил пахта йиғим-терим мавсумини уюшқоқлик билан утказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ҳам алоҳида қайд этилган. Афесуки, айрим вилоятларда сусткашлик давом этмоқда. Масалан, Сурхондаре вилоятда 1075 та терим машинаси мавсумга тайёр ҳолга келтирилганлиги маълум этилган бўлса-да, атиги 77 таси далаларда иш-лаяпти. Термиз туманида 7 та, Қизилқум туманида эса 195 та зангори кемадан фақат биттасида пахта терил-ляпти.

Терим машиналарининг тула қувват билан ишлаши аввало гуза баргларнинг сифатли туқтирилганлиги-га куп жиҳатдан боғлиқ. Жиззах вилотида пахта шта-бидан олинган сунгги маълумотга қўра, зангори кема-лар ердамида теришга мўлжалланган 111 миң гек-тар майдон ҳали тула дефо-лиация қилиб бўлинмаган.

Маълумки, республикамиз жанубий вилотларидан ҳисобланган Қашқадар вилоти йиғим-теримга бошқаларга нисбатан эрта киришган. Шунга қарамай,

бу ерда ҳам мавжуд 2231 та зангори кемадан 523 таси-дан фойдаланилляпти. Ва-холанки, Гузор, Нишон, Касби каби туманларда те-рим суръати ошиш урнига кейинги кунларда сусайиб бормоқда.

Мавсумнинг муваффа-қиятли утиши албатта де-ҳқоннинг таянчи бўлиши техниканинг созланишига боғлиқ. Бироқ, жойлардан олинаётган маълумотлар ак-сарият холларда дилини ран-житида. Масалан, Самар-қанд вилотида йиғим-те-рим мавсумига бу йил 719 та зангори кема жалб эти-лиши, 60 миң гектар майдондаги оқ олтин ана шу техника ердамида нест-нобуд қилинмасдан йи-ғиштириб олиниши қўзда тутилган. Бу ерда 25 сентя-брда бор-йўти 19 та терим машинаси далаларга чиқарилган. Дефолиация иш-лари эса 25 миң гектарда амалга оширилган, холос.

Гузалкент, Пайриққаб каби туманларда терим сифати ва суръати жуда паст.

Республика пахта далаларида япи сафарбарлик бошланган. Шундай экан бирон ерда суст-кашликка урин йўқ!  
**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,  
«Қишлоқ ҳаёти»  
мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**А.Р.Григорян ва В.Н.Шинни  
мукофотлаш тўғрисида**

Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги хизматлари, тиҷлик ва барқарорлик сақланишига, барча миллат ва элатларнинг вакиллари уртасида дустликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси ҳамда Германияда утказилган профессионал бокс бўйича жаҳон чемпионатидида катта ютуқларга эришганликлари учун мукофотлансин:

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**  
Григорян Артур Разминович — Ўзбекистон Бокс федерацияси спорт бўйича йуриқчиси

**«ДУСТИК» ОРДЕНИ БИЛАН**  
Шин Владимир Николаевич — Ўзбекистон Бокс федерацияси раиси уринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
1996 йил, 26 сентябрь.

## ТЕЗ ВА СОЗ

Пешку туманидаги «Маданият» жамоа хўжалигининг Ботир Жумаев бошлиқ 4-бригадаси заршунослари 61 гектар ерга чигит экиб, ҳосилдорликини 50 центнерга етказиш ниятида. Далаларда ҳосил-йиғим терими қизгин.

Пахтазор юлдузлари Дилфуза Собирова, Гулноз Саъдиева, Хафиза Бозорова, Шохиста Мақсудовалар пахтани тезу тоза териб, бригада хирмонининг тез юксалишига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Жаҳон Султонов бошлиқ 3-бригадада ҳам барча теримга сафарбар этилган.

Механизаторлар Акрам Усмонов, пахта юкловчи Ихтиер Мақсуловларнинг гайрати билан бригада бўйича ҳар кўни 10-15 тонна пахта қабул пунктига етказиб бермоқдалар.

Еш биргалик Хонзафаржон Боқиев бошлиқ заршунослар кўнига йиллик режанинг 5-6 фоздан пахта тайёрламоқдалар.

Мавсумда 8-10 тоннадан пахта теришга ахдланган Курбонгул Нўрмонова, Назира Нутфуллаева, Хумор Жўраева ва Салима Нутфуллаева каби пахтазор юлдузлари кўнига 220-280 килограммдан дўр-жавоҳир терияптилар.

**С. КОДИРОВ.**

## ТУМАНДА ПЕШҚАДАМ

Расулжон Ражабов пахтачилик илминини беш қўлдек яхши билдирган тажрибали дехқон. У бошлиқ звено аъзолари 7 гектар майдонга «Фарғона-3» нави чигит экишдан, гузалар беш марта ишловдан сунг жуда эрта пиши. Сентябр ойининг бошлалак ҳар туғи

зала 10-12 талдан кусак чаман бўлиб очилди. Мўл ҳосил пахтакорларни чекисиз қувонтириди. Буйида туманидаги «Узумзор» жамоа хўжалигининг Расулжон Ражабов бошлиқ звено аъзолари теримга биринчи сентябрдек киришилди. Теримчилардан Гулбаҳор Носирова,

Ханифхон Ражибовлар барчага урناق бўлмоқдалар. Ун кунда режалдаги ҳосил ошини билан йиғиб олишди. Ҳар гектар майдондан режалдаги 8 центнердан куп пахта топширилди. Жамоа япи ҳосилдорликни гектарига 35 центнердан оширишга ҳаракат қилмоқда. Ҳали далаларда пахта мўл.

**М. РАҲИМОВ.**

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

26 сентябрь кўни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Туркиянинг «И-Тако» ширкати раҳбари Гулмез Хўсейн болчилигида делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий санаот» давлат корпорациясига ташриф бурди. Меҳмонлар бу ерда корпорация раҳбарияти билан музокаралар утказди. Унда Наманган вилоти-нинг Косонсой туманида ишга туширилиши мўлжалланган «Касмир дери» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳо-

ма этилди, томонларнинг вазифа ва мажбуриятлари белгилаб олинди.

60 киши ишлайдиган мазкур қўшма корхона йилга 300 миңг терини қайта ишлаб, 25 миңг дона ағдарма пўстинг, 25 миңг дона чарм қўртқа ишлаб чиқариш қувватига эга. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида чиқиндига чиққан хомашедан жузудон, турли гилофлар, аёллар сумкалари каби маиший ашёлар тайёрлаш ҳам қўзда тутилмоқда.

(ЎЗА)

**КУТИЛГАНДАН ҲАМ ЗИЁДА**

Андижон. Асакада чиқарилган янги машиналарда Марказий Осиё республикалари бўйлаб сафар қилган автоириш қатнашчилари тағна-нали кутиб олинди. Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон бўйлаб «Тико», «Нексия» енгил автомобиллари ва «ДАМАС» микроавтобусларида 3225 километр йул бостан ҳайдовчи ва мутахассислар машиналарнинг сифати ва техник курасткчилари ҳақида сузлаб бердилар.

Автоириш қатнашчилари уларни бошқарган машиналар Асака заводидида техник куришдан утказилгандан кейин Қирғизистоннинг Уш шаҳри томон йл олди.

— Янги машиналаримизнинг техник сино-

ви натижалари қутилгандан ҳам зиёда бўлди, — деди «Тико» машинасини бошқарётган синовчи-ҳайдовчи Александр Костянов. — Машина Қизилқум ва Қорақўм даштларида буронга ураганида салонта заррача ҳам қум, чанг қирмади. Шунингдек, 15 километрикит Китоб дивонини бир хил тезликда — 20 минутда босиб ўтдим. Автоиришда қатнашган барча машиналар ҳам шундай натижа курсатди. Бу — мустақил мамлакатимиз машиналари жаҳон стандарти талабларига жавоб бера олишдан далолатдир.

**К. НИЗОМОВ,  
ЎЗА мухбири.**

КУНИГА 10 ФОИЗДАН

Омад дегани бор гап. Шахрихонлик асл деҳқон Аҳмаддон Қодиров ҳам бу гапга қўшилиди. У узок йил пахтачиликка ўзига хос тажриба мактабини яратиш учун қаттиқ меҳнат қилди. Утган йилдан иш натижалари кузга ташлана бошлади. Жорий йилда биринчилардан бўлиб пленка остида чигит экиш усулини қўлади. Шогирдлари билан ҳар қарич ерни эъзоладди, ниҳолларга қалб қурини бахшида этди. Янги шароитда экин парваришнинг технологиясига қатъий риоя этди. Натيجала олдандаги усулга нисбатан жараён 25 кун илгари борди. Апрельнинг уталарида ерга чигит қалалан бўлса, июлнинг охирида қусақлар етилиб қийғос очилди. Уста деҳқон пахтазори бамисоли сеҳрли манзара кашф этди. Шундан сунг деҳқончиликдаги янги, истиқболли технологияга қизиқувчилар кўпайиб қолди. Ҳа, илланувчанлик, мақсад сари дидил интилиш, баъзида иш манфаати йулида таваккалчилик қилиш бир кун албатта наф келтириши турган гап.

17 сентябрь заҳматкаш деҳқон Аҳмаддон Қодиров ва унинг шогирдлари учун энг қувончли кун бўлди. Мамлакатимиз Президентини Т. Саримсоқов номи жамоа хужалигига ташриф буюрди. Зукко бригада бошлиғи Аҳмаддон Қодиров билан Андижон усули — пленка остида пахта этиштириш технологияси хусусида атрофлича фикрлашди, ҳал этилиши лозим бўлган жиҳатларга алоҳида эътибор қаратди. Саволларга аниқ ва лунда жавоб берган дала дарғасини дуо қилди.

Президент илҳомбахш сузлари заршуносларга қанот бағишлади. Улар деҳқонларга курсатилётган катта эътибор, меҳрибонликларга жавобан зарборчасига меҳнат қилишга киришдилар. А. Қодиров бригадаси барчани дол қолдириб биринчи теримдаёқ тектаридан 50 центнер атрофида ҳосил кутаришга муваффақ бўлди. Иноқ жамоа қатор кунлар мобайнида йиллик режанинг 10 фоизи миқдоридан пахта топиришга муваффақ бўлди. Ниятлари тектар ҳосилдорлигини камда 60 центнерга етказиш!

Илгорлардан урناق олган тумандаги «Бўстон» жамоа хужалигининг Тошканбой Аҳмаддон бошлиқ бригадаси заршунослари 6 иш кунда маррага етидилар. 10 гектар ерга чигит пленка остига экилганлиги учун шу майдонларда ҳосил эрга етилиб йилгирим суръати ҳар қачонгидан юқори бўлишини таъминлади. Қабул пунктларига топирилган 100 тоннадан ортиқ оқ олтин юқори сифатлиги билан ажратиб турди.

Истиқболли технология шарофати туфайли гектар ҳосилдорлигини биринчи йили 8 центнерга оширишга муваффақ бўлди, — дейди Тошканбой ака. — Айни кунларда Авазбек Турдалиев, Сардорхон Тожибоев, Ҳанифхон Сиддикова, Маҳбубхон Фозилова каби фидойилар меҳнатига сунган ҳолда режалдан ташқари яна 60 тонна пахта топириб, гектар ҳосилдорлигини 50 центнерга етказишга ҳаракат қилияпмиз.

Лафзи ҳалол, талбиркор, ташаббускор андижонлик заршунослар Ватан фидойилари дея улугланди. Бу бошқалар қатори Шахрихоннинг пешқалам сарқорларидан бири Юсуфжон Мирзасев ва унинг шогирдлари кунлини тоғдек кў-

Андижондан хатлар 2. ВАТАН ФИДОЙИЛАРИ

Вилоят заршуносларининг шу кеча-қундуздаги олтин онлари шиддатли кечмоқда. Ҳамқору ҳамжихатликда қилинган фидойи меҳнат, «Андижон усули»нинг шарофати туфайли бу йил далаларда ҳар қачонгидан беракали ҳосил етиштирилди.

Муҳтарам Президентимизнинг Андижонга сафари, ишлаб чиқаришга илгор усуллари, хориз тажрибасини далил жорий этиб, ажойиб натижаларга эришайётган асл миришкорлар шайнига айтган илақ сузлари барча-барчани янги меҳнат ютуқлари сари чорлади. Пахта йилгиримига бутун куч, бор имконият сафарбар этилди. Марҳамат, Балиқчи, Бўз ва бошқа туманларнинг заршунослари суръат отига қамчи босиб, кунига йиллик режанинг 5,5-6 фоизи миқдоридан пахта топиришмоқдалар. Избоскандаги «Чўнбоғиш», Бобур номи жамоа хужаликларининг деҳқонлари мамлакатда биринчи бўлиб пахта сотиш режасини адо этишди ва деҳқонларга меҳнат бешлашунга янада қизиқ тус бағишлади.

Кунда Ватан фидойилари — йилгиримда байроқдорлик қилаётган, деҳқончиликда янги истиқболли технологиянинг афзалликларини амалда намойиш этаётган марду майдонлар фаолияти хусусида ҳикоя қилинади.



Асака туманидаги «Шарқ ҳақиқати» жамоа хужалиғи бошқаруви раиси В. Маҳмудов.

Пахтазор юлдузи Избоскандаги Бобур номи жамоа хужалиғи теримчиси Г. Эргашева.

Пленка остига чигит экиб биринчи теримдаёқ гектаридан қарийб 50 центнердан пахта топириган шахрихонлик моҳир бригадаси бошлиғи А. Қодиров. Мусаввир М. Жўраев.

тарди. Йилгирим-терим ҳеч қачон бу йилгирим шиддат билан бормаганди. Санобархон Раҳмонова, Ойсиной Халилова, Гулхонахон Қаримова каби чевар теримчилар кунига 200—230 килограммдан дур йилгириммоқда. Биз хужаликда булган кун Юсуфжон ака марра эгаллангани ҳақида ёруз юз билан ахборот берди!

Бир нарсга эътиборимизни тортди, хужалиқлар раҳбарлари, бригада бошлиғи, теримчию механикатор билан суҳбатлашар эканмиз, улар иложи борича гапни қисқа қилиб, тезроқ хирмон тақдирини ҳал бўлаётган жойга ошиқиларганликларини сездик. Масъулиятни чуқур ҳис этиш, фидойилик, ўз касбидан фахрланиш дегани шу бўлса ажабмас.

МЕЗОН — СОФ ФОЙДА

Ҳар бир ишнинг мезони олинган даромад — соф фойда булиши керак. Хужалиқларнинг раҳбарлари, мутахассислари фақат тоннанинг кетидан қувмасдан фойда-зарар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари хужалиқ юриштирининг муҳим шартларидан биридир. Боиси одамларнинг таъминоти, ҳаёт даражасининг яхшиланиши худди шу олинган соф фойдага боғлиқ. Йилгирим-теримнинг қайноқ нуқталарида бўлиб, заршунослар билан фикрлашганимизда иқтисодий омилларга барча ерда алоҳида эътибор берилаётганини сездик. Асака туманидаги «Шарқ ҳақиқати» хужалиқининг теримчиси Саломат Самадованинг фикрлари:

— Биринчи навга сотилган пахта билан учинчи навнинг харид нархидаги фарқ деярли 6 минг сумни ташкил этади. Оппоқ очилиб турган момик пахта бир ёмгир ёғиб

утгандан сунг учинчи навга айланади-қолади. Демак, бир соатлик, бир кунлик кечиккиш қанчалик қимматга тушади. Бунга яхши аниқланган заршуносларимиз дақиқалар қадрига этиб, бебаҳо бойлигимизни егин-сочинга қолдирмай, исроф қилмай йилгиритиб олиш учун барча имкониятни ишга солишмоқда. Зеро, бу ҳақда хурматли Президентимиз вилоятимизга сафарлари чоғида алоҳида тушунча бериб утдилар.

— «Андижон усули»нинг қимматли томони шундаки, — изоҳ беради бошқарув раиси Ваҳобжон Маҳмудов, — қушимча меҳнат сарфламай ҳосилдорликни гектарига 15 центнергача ошириш имконини беради, бойлик барвақт саранжомланади.

Ҳа, Андижонда ҳисоб-китобга катта эътибор бериляпти. Ҳосил йилгирим-теримдан тортиб то уни қабул пунктларига элишгача булган жараён пишқ-пухта ташкил этилган. Жамоаларнинг етакчилари бутун йиллик режанинг неча фоизи миқдоридан пахта беришди, унинг неча фоизи биринчи навга утказилди, йиллик режа қачон баъжарилади каби саволларга аниқ жавоб бера олишди. Оқ олтин мавсуми зур кутаринкилик, ялпи сафарбарлик тула таъминланган бир шароитда утмоқда. Шахрихондаги «Ҳақиқат» жамоа хужалиғи пахтазорда аёло кайфиятдаги теримчиларга рубару бўлди.

— Нега ҳам қувонмай, ун кунда 3.600 кило пахта топириб 7.200 сумни санаб олдим, — дейди Тожиҳон Абдурахимова. — Дугоналари Ҳабиба Баҳриддинова, Гулсара Алижоновалар эса ун кунда 4 минг сумлик бўлишди. Далада ишлаётганларга яратилган қулай шароит, пленка остига чигит экиш,

моддий манфаатдорлик шарофати туфайли Турдали Ҳаммамов, Аҳмаддон Умаров бошлиқ бригадалар кунига йиллик режанинг 13-14 фоизи миқдоридан ҳам аше топиришга муваффақ бўлдилар.

Балиқчилик заршунослар сунгги ҳафтада суръат отига қамчи босибди. Бу ерда 21 сентябрь кунги йиллик режанинг 5,51 фоизи миқдоридан пахта тайерланди. Бунда «Бўстон» ширкатлар уюшмаси деҳқонларининг муносиб ҳиссаси бор. Дала ийиғида ижарачи О. Акбаровани табриқлашайотган устидан чикди. Опа ўз қадронлари билан сиккилил тер тукиб, гектар ҳосилдорлигини 40 центнердан ошириб туман ҳокимлигининг мукофоти ни қўла киритибди.

Туманлар, хужалиқларда бўлиб, яна шунга иқдор бўлдики, жойларда маданий-مائий талбирларни амалга оширишга ута масъулият билан ендашилмоқда. Мутасадди кишилар барча жараёнлардан тула хабардор. Бирор муаммо туғилса у шу ернинг узиди ҳал этиляпти. Теримчиларнинг иш ҳақи ҳар беш кунда тарқатилляпти.

Кенг ва мафтункор пахтазор барчани оҳанграбодек бағрига чорлаган. Чунонам ҳосил яратилганки, эгат оралган саринг қалбинг жунбўшга келади. Дала дарғалари га ҳавас ила боқамиз. Оппоқ пахтазорда оппоқ соқоли табаррук отахонларни қуриш эса ҳаммасидан ҳам завқли. Избоскандаги «Шарқ юлдузи» хужалиқининг қўлдан-қўл нурунийлари ўз ташаббуслари билан далага оғланшибди.

— Халқимиз шайнига айтилган самимий сузлар бизнинг ҳам қалбимизга чуғ солиб қўйди, — дейди

Турсунбой ота Аҳмедов. — Ҳа деган туяга малор деганларидек, баҳоли кудрат дур йилгиритяпмиз. Куз теғмасин, 1996 йил биз учун барака йили бўлди.

ШИДДАТ

Андижонда галда ва пахта ҳосилдорлигини экин майдонларини кенгайтирмаган ҳолда ошириш борасидаги изланишлар ўз қутилган самарасини бераляпти. Мақсадга эришишда фуқаролар онгидати, дунекарашиню маънавиятидаги узғаришларнинг аҳамияти беқисс. Деҳқонлар ислохотларни сузда эмас, астойдил, амалий фаолият орқали қўллаб-қувватлашмоқда. Шу боис, галда, пахта ҳосилдорлиги барқарор суръатда ошиб бораляпти.

«Андижон тажрибаси мамлакатга керак, Андижон фидойилари, деҳқонлари бизга ана шундай йилни курсатмоқдалар». Бу муътабар сузлар вилоят меҳнат аҳдини нақадар руҳлантириб юборганини пахта йилгирим-терими суръати ҳам акс эттириб турибди. Илгор туманлар энг қизгин далада кунига йиллик режанинг 7-8 фоизи миқдоридан пахта топиришга эришдилар. Саховатли далаларда ҳаёт шиддат билан кечмоқда. Вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси пахта штабидан булсангиз, бунга чуқурроқ ҳисс этиш. Ешу қари пахта ишқи билан еналяпти. Телефонлар кетма-кет жириглайди.

— Алло, илгимос, қуш хушхабарни эзиб олсангиз. Избоскан туманидаги «Чўнбоғиш» ва Бобур номи жамоа хужалиқлари Ўзбекистонда биринчи бўлиб давлатга пахта топириш режасини муваффақиятли баъжардилар.

— Асакадаги «Навбахор» хужалиқиданми. Пахтачиликда Андижон технологиясининг келажаги порлоқлигига тула ишонч ҳосил қилдик. Бу йил пленка остида ҳарорат яхши сақланиши ҳисобига чигитни 10 кун аввал экидик. У беш кунда униб қикди. Янги усулда экилган майдонларда 200 минг тушчага қуяч жойлаштириш мумкин экан. Шунинг ўзи ҳосилдорликни кескин ошириш имконини беради. Келаси йили 60 центнерлик маррани эгаллаймиз.

— Марҳамат туманидаги «Пахтакор» хужалиқининг Тоҳир Зокиров етакчилигидаги бригада режани 130 фоизга дундирди.

— Янги усул шарофати туфайли Олтинқулдаги Ф. Қуфқоров номи хужалиқининг Робияхон Иняминова бошлиқ оилавий эвнеси мулдатидан анча илгари сузининг устидан чикди. Бу ерда ҳосилдорлик гектарига 55 центнерга етади.

Вилоят пахтазорлари жасорат майдонига айланган. Жорий йил олтин мавсуми андижонликларнинг қуш йиллик изланишлари, заҳматли меҳнатларини юзага чиқарди, уларнинг юзларини бутун халқимиз, муҳтарам Президентимиз олдида ёруз қилди. Чигитни пленка остига экишнинг келажаги порлоқ эканлигини мамлакат аҳлига ишончли тарзда исботлади. Шу боис келаси йили вилоят буйича 60 минг гектар ерга шу усулда чигит экилади. Демак, бу технология туласинча узлаштирилгач, пахта майдонларининг бир қисми бошқа экинларга ажратилди. Бу барча соҳани бирдек ривожлантириш имконини беради. Хирмонларнинг тоғдек юксалаверсин, катта қарвон Андижон!

Мирғис ҚАЮМОВ, «Кишлоқ ҳаёти»нинг шарҳловчиси.

Республикамизда пахта йилгирим-терими тобора қизгин паллага кирмоқда. Бутун куч, техника воситалари ҳосилни несе-нобуд қилмасдан йилгиритиб олишга қаратилган. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг «1996 йилда пахта йилгирим-терим мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ишга ташкил қилишда дастуриламал бўлмоқда. Мавсумда иштирок этаётганларга ҳақ тўлаш, умуман терим пайтида пахтакорларга қўрсатилётган молиявий хизмат қандай? Бу саволларга республика ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банк»и бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Пўлат Рашидович ҚАЗИЕВ шундай деди:

— Пахта ни ўзбек халқининг гурури, миллий ифтихори деб бежиз айтишмайди. Ҳар йилгиримда бу йил ҳам банкимиз жамоаси терим мавсумини муваффақиятли утиши учун барча чора-тадбирларни қурмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг махсус қароридан кейин банкимиз ҳосилни саранжомлаб олишда муносиб ҳисса қўшиш, ҳисоб-китоб ишларини қарорда қўрсатилган мулдатда амалга ошириш юзасидан дастур ишлаб чикди. Айни пайтда республикадаги 180 дан ортиқ бўлимла-

«ПАХТА-БАНК» ПАХТАКОР ХИЗМАТИДА

римизда заршуносларнинг оғирини енгил қилиш, уларга намунали молиявий хизмат курсатиш, имкони бўлса иш ҳақини далада тарқатиш юзасидан барча ишлар амалга ошириляпти. Кўпгина вилоятларда теримга 10 сентябрдан киришилди. Шу боис биз 11-16 сентябрни шартли равишда биринчи беш кунлик деб қабул қилдик, саранжомланган хом ашега ҳақ тўлашни шу палладан бошладик. Иккинчи беш кунликка эса 16-21 сентябрь кирди. Шу мулдатларда терилган пахта хом ашега учун теримчилар билан тула ҳисоб-китоб қилинди. Бир суз билан айтганда, ҳар бир теримчи иш ҳақини оляпти. Республика буйича тарқатилган маблағ икки миллиардга яқин сумни ташкил этди.

Вазирлар Маҳкамасининг қароридан белгиланганидек, барча вилоятларда қўлда терилган ҳар бир килограмм оқ олтин учун энг камида 2 сумдан, икки қаторли машинада саранжомланганининг 1 тоннага учун эса 50 сумдан, турт қаторлиси учун 30 сумдан ҳақ тўланмоқда.

Шунингдек, нафақат пахта тератган теримчи еки механизаторга, балки мавсумда иштирок этаётган барча кишиларга ҳар беш кунликда иш ҳақи бериб борилади. Улар жумласига хирмонда ишлаётган ишчилар, хом ашега тележаккаларга ортиб хирмон еки қабул пунктларига элтувчи тракторчилар, ҳуллас, мавсумда иштирок этаётган ҳамма кишилар кирди. Улар билан учинчи беш кунлик туягага тула ҳисоб-китоб қилинади. Кейин эса мавсумнинг бундай иштирокчиларига ҳам ҳар беш кунда иш ҳақи бериб борилади. Бунинг учун Кишлоқ хужалиқ вазирлиги тавсияси буйича тайерланган ҳар бир тонна пахта учун урга ҳисобла 137 сумдан ҳақ тўлаш белгиланди. Ишонч билан айтиш мумкинки, пул тўлашда узилшларга йўл қўйилмайди. Бунинг учун барча чора-тадбирлар белгиланган.

Жойлардаги бўлимларимиз ходимлари имкони борича мавсум иштирокчиларига қулайлик яратиш учун барча ишларни қилишмоқда. Масалан, меҳнат ҳақи даланинг узида тарқатилляпти. Шунингдек, хужалиқларнинг кассирлари банқадан пул олиб кетган ҳолларда ҳам ходимларимиз пулнинг теримчиларга тула етиб боришини назорат қилишляпти.

Айрим хужалиқ раҳбарлари одамларимиз пахта терими пайтида бироз даромад қилишсин, деб машина теримига эътиборсизлик билан қарайдилар. Натижала ҳосилнинг асосий қисми қўлда саранжомланади. Йил якунида эса хом ашега етиштириш қимматлашиб кетганини, мавсум қузилиб, унда қўллаб енилли, иш кучи сарфланганини, ҳуллас, оқ олтиннинг таннархи ошиб кетганини кураимиз. Уйлаймизки, жорий йилда машина учун ажратилган майдонлардан хом аше техника ёрдамида териб олинади.

Пахтачиликни янада сердаромад тармоққа айлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг январда «1996 йилда пахта етиштириш ҳажмлари тўғрисида» қарор қабул қилинганда. Унда бу йил етиштириляётган пахта толасига давлат харид нархини ошириш, хужалиқларга йилнинг бошида харид нархларини 25 фоизи миқдоридан аванс тўлаш қўзда тутилган. Ушбу борада амалга оширилган ишларга тўхталсангиз?

— Дарҳақиқат, ҳукумат пахта етиштирувчи хужалиқлар иқтисодини мустаҳкамлаш, одамларнинг манфаатдорлигини ошириш, тайерланаётган хом ашенинг сифатини кутариш мақсадида тармоққа алоҳида эътибор бермоқда. Жорий йилнинг бошида қабул қилинган мазкур қарор ҳам фикримизнинг далилидир. Мазкур ҳужжатда етиштирилиши лозим бўлган пахтага 25 фоиз миқдоридан аванс тўлаш қўзда тутилган.

Республикадаги барча хужалиқларга май ойининг охиригача қарорда курсатилган миқдорда аванс берилди. Июль-август ойларида эса жорий йилги ҳосил учун аванс бериш давом этди. Шу билан бирга уша ойларда утган йилги хужалиқларнинг давлат буюртмалари буйича топирилган ҳосили ва узларининг ихтиёрида қолган хом аше учун ҳам меҳнат ҳақи тўлаб булинди.

Юқоридан номи қайд этилган қарорда жорий йилда етиштирилган пахта учун хом аше ва тола сифатида аниқ харид нархлари белгилаб қўйилганлиги, хужалиқларга қайта ишлаш корхоналари билан тула ва вақтида ҳисоб китоб қилиш имконини яратиб беради.

Суҳбатдош Х. КАРИМОВ, «Кишлоқ ҳаёти» муҳбири.

ПАХТАЗОР СУРУРИ

Чаноқларда луппи-луппи бўлиб очилган пахталарни қўли-қўлига теғмай чакқонлик билан тератган теримчиларнинг баҳси авжида.

Улардан бири — мавсумда 10 тонна оқ олтин териб топириш мақсадида жавлон ураётган Диловар Очилова утган йили ҳам ваъдасининг устидан чикиб Ватан хирмонига 8 тонна урнига 10 тонна дурдона териб туқди.

Пешку туманидаги Ибн Сино номи жамоа хужалиқининг Жума Жўраев бошлиқ бригадасида илгор теримчи қизлар сони талайгина. Уларнинг ҳиммати билан бригадани урмоғи кун сайин юксалиб бормоқда. Уларнинг ҳар бири мустақиллигининг 5 йиллиги йилида етиштирилган ҳосилдан 9-10 тонналик хирмон уйиш ниятидалар. Дилбар РАҲМОНОВА.



Бўка туманидаги «Бўстон» жамоа хужалиғи миришкорлари етилган ҳосилни несе-нобуд қилмасдан қисқа фурсатда йилгиритиб олишга астойдил киришилган. Йилгирим-терими уюшқоқлик билан ўтказишда айниқса, 1 ва 7-бригадаларда олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Ана шу бригада заршунослари давлатга 210 тоннадан оқ олтин сотишни режалаштирганлар. Терим суръати эса кун сайин қизмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Еттинчи бригадаларининг илгор теримчиси Ҳикматой Пиризарова бир кунда 180 килограммдан пахта териб пешқаламлик қилмоқда. 2. Биринчи бригада бошлиғи Каттабой Бобоев сифатли хом ашега тарозидан тормоқда. Х.АВВАЛОВ олган суратлар.

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Китоб туманидаги «Зарафшон» агрофирмаси пахтакорлари дастлабки сафарни қўла киритдилар. Заршунослар вилоятда биринчи бўлиб қимматбаҳо саноат хом ашега тайерлаш йиллик режасини утдирдилар. Улар она ватан хирмонига 620 тоннадан зиёд оқ олтин армуғон қилишди. Агрофирмада тажрибали, ушани яхши билидиган бригада бошқилар кўп. Манон Олимов, Норбобо Эсонов, Юнус Р. ШАРИПОВ.



Бир диёрки, суви — шифо, ери — хазина

Узбекистон ер бағри турли хил фойдаланиш қазилмаларга бой. Узоқ йиллар улар марказга ташиб келинди. Энди мураккаб республикамизнинг унинг хизмат қила бошлади.

Хозирга келиб мустақил Ўзбекистон Республикасида шифо қадимий унинг биринчи қадимий қадимий бўлади. Жумладан, Шарғунда (Сурхондарё вилояти), Ғазалкентда (Тошкент вилояти) қудратли шифо заводалари қурилди ва махсусот бера бошлади. Тошкент Миконд заводи эса турли-туман шифо буломлари ва билдур ишлаб чиқармоқда.

Бу соҳанинг тарихи узоқ. Хира, рангдор қадимий шифо шифо турли тақинчоқ буломларни қуйида ишлатилган бўлса ҳам дераза ойнаси сифатида ишлатилмаган. Тиниқ ойналар бизнинг асримиз бошларидангина пайдо бўла бошлади. Шундай рангдор ва тиниқ ойналар Туркистон деразасида ҳам яратилганга қарамай узоқ даврлар давомида керамика (сопол) ва ётчан ясалган кунурати панжара «деразалар» хоналари ички эришти турган.

Х аср охирига келиб Киев усталари шифо «пиширишга» муваффақ бўлган бўлсалар ҳам, ундан ясалган мунчоқлар хара товланган, ранги тоза ва сатҳи текис эмасди. Ундан 20-30 йил кейин ҳозирги замон билдурга яқин бўлган кварци оққум, қурғоқ шифо сурики ва поташ аралашмасидан ҳақиқий ишқорли шифо олинди. Сунгра бу аралашма шифога турли маъданлар қўшиб жойибилган рангдор шифо шифо бўлган.

КАРОМАТ ТОШИ

логия буйича селен қўшиб тайёрланди. Юлдузлар ичида махсус эриштирилган урнатилди, улар нурни ҳар томонга баробар тарқатадиган бўлди ва кейинчалик улар яна ҳам мукамаллаштирилди.

Кези келганда яна бир мураккаб ойна махсусоти ҳақида гапирмоқ жоиз. Кавказ тоғлари ёнбағрида Зеленчук (қишлоғидан) узоқ бўлмаган жойда дунда энг катта аниқлиги телескоп бор. Уни энг яхши ойна корхоналари 15 йил давомида қурди.

Шифо орқали нафақат узоқ сайералари кузатилади. Улар ердаги ясалган микроскоп билан майда-микро дунени ҳам кузатилади. Хуллас, ерүлги, олдин мунчоқ ва оптикалан бошлаб, йирик ишшоотларга қадар шифо ишлатилди. Бинобарин, шифо инсонлар томонидан ўйлаб топилган материаллар ичида энг зарури бўлса ажаб эмас.

Олимлардан бири кварцига ойнанинг «отаси» деб ном қўйган ҳам бежиз эмас, албатта. У табиатда турли рангларда учрайди: тунгли кварц, морион, пиритин, мулк рангсиз тоғ билдур (каромат тош) шулар жумласидан. Кварц кристаллари энг ажайиб ҳусусиятларидан

бири шундаки, у қисилганда ёки кенгайганда сатҳида электр зарядлари пайдо бўлади. Бу пьезо-электрик эффект радио ва ультратовулли техникада кенг қўлланилади.

Шифо тарихининг қисқача шарҳини келтиришдан асосий мақсад унинг нақадар муҳим ва нечоғлиқ кўп соҳаларда ишлатилишини эъланмоқдир.

Республикамиз ер бағрида ажайиб хоссаларга эга, кўп соҳаларда ишлатилиши мумкин бўлган кварц кумлари борми? Уларнинг шарҳлари мустақил? Хулоса шундай: мустақил Ватанимизда кумларнинг қиммий моддалар, жумладан, улар таркибиде сақланганидан 3-12 фоизга қадар темир оксиддан тоза-ла сариланган талаб этиди ва бу шифо мураккаб ва табақали тозалаш технологияси қўлланилади.

Маълум, Чехословакия давлати билдур ишлаб чиқаришда жаҳонга дони кетган. Унинг хом ашёси — оққумлар қалинлиги 8-10 метр бўлиб, таркибиде темир оксиди 9 фоизга этиди. Қуриш турибдики, у табиий ҳолатда билдур ва бошқа тиниқ ойналар учун яроқсиз. Лекин чехиялик моҳир усталар уша кварци кумлага темир оксиди микродони билдур талаб этидиган 1 фоиздан кам даражага туширишнинг махсус технологиясини ишлаб чиқаришга ва уни ҳамон сир сақлашлар. Ўзбекистон деразасида кварци оққумларга назар ташланса, саҳий табиатимиз 20-50 метр қалинликка ва катта захираларга эга. Мустақил Ватанимиз бағрида шундай кварци оққумлар борки, уларнинг таркибидеги темир оксиди 1-3 фоиз бўлиб, кварц-кремнезем 97-99 фоизни ташкил этиди. Бу оз микродони темир оксидини сановат талаб даражасига (1 фоиздан кам) тушириш технологияси ҳам алақачонлар ишлаб чиқилган. Лаборатория, гоҳи завод шароитида олиб боришдан тажрибалир шундан алоқат берадики, улар тайерсоқликка зарур бўлган рангли маъданларни қуйида қопиб, дераза ойнаси ва ниҳоят билдур ишлаб чиқариш учун яроқлидир.

Республикамизда қудратли ва кўп тармоқли шифо сановати кенг ривож топилган кунлар яқин. Бу билан нафақат халқимизнинг турли-туман шифо махсусотларига бўлган талаби қондирилади, балки уларни чет давлатларга экспорт қилиш имкониятлари ҳам кенгайди. Зеро, бу соҳада республикамиз истиқболлари жуда ҳам порлоқдир!

М.ЗОКИРОВ, геология ва минералогия фанлари доктори.



— Маънавият шундай ёдуки, у инсон қалбини, руҳини ёритиб, баркамоллик адо этиди. Маънавий баркамол одамлар юрагиде эса Ватан, тил, миллатга юксак эҳтиром ва ҳурмат мангу барқарор бўлади. Кутубхоналар шу маънода эзгулик дебоячлари, маънавият хазинаси ҳисобланади, — дейди Сардарё туманидаги Ҳамидкул Эмүродов номли мактаб кутубхона мудариси Шоирахон Эмүродова. У 17 йилдан бери энг масъулки ишлаб ёшларнинг китобга ҳавасини уйғотишда самарали фаолият кўрсатмоқда. Кутубхонада тез-тез адабий кечалар, учрашувлар, муносоралар ўтказиб турилади. СУРАТДА: Зайков Ш. Эмүродова ўқувчиларга китоб тавлашда кўмаклашмоқда. Х. ЗУЛФИКОРОВ олган сурат.

Оқ фотиҳа олган артурнинг оламшумул ғалабаси

Она-Ватанимиз доврүгини оламга ёйиш йўлида ташланган ҳар бир қадам қалбимизни ифтихорга тўлдирди, бизни бузоқ эл фарзандларини эканлигимизга жаҳон аҳлига намойиш этиш учун астойдил иштироқ даяват этиди. Ватандошимиз Артур Григорьяннинг профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони бўлиб, унинг шарафига мамлакатимиз байроғининг кўтарилгани, мадҳиямиз янграгани ҳар бир юртлишамизни чексиз қувонтирган эди. Яқинда Артур барчамизга яна қувонч ҳади этди...

25 сентябрь тоғида Тошкент аэропортига Франкфурт-Тошкент йўналишини буйича қатновчи самолёт келиб қўлиди. Юртлишамиз, профессионал боксчи Артур Григорьян ўзининг жаҳон чемпиони деган юксак унвонини муносиб ҳимоя қилиб, Ватанимизга наватдаги ғалаба билан қайтди. Чемпионни Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раҳбарлари, журналистлар ва мухлислар гуллар билан қарши олиб, қўлга қиритилган зафар билан муборакбод этидилар.

риқалик боксчи Жон Рид билан рингга чиқдим. — дейди Артур. Рид 32 ёшда, АҚШ чемпиони унвонини қўлга қиритган. Жаннинг иккинчи раундиде рақибини нокаут қилиб ғалаба қозонди.

— Ғалабадан сўнг кўнглимизда қандай туйғулар келди? — Албатта, қувонч. Мен бу муборакбода юртбошимизнинг оқ фотиҳасини олиб кетган эдим. Жаҳон чемпиони деган юксак номни сақлаб қолганим ҳамда юрта голиб бўлиб, ёруғ юз билан қайтишимдан хурсандлик ҳисси чулғиди. Менга бу саволи рингда ҳам беришганда Ўзбекистонга, ўз ватаним — уйимга қайтиш алоҳида қувонч бағишлаганини айтдим.

Дастлабки ғалабам бос, Президентимиз Ислом Каримов менга катта ҳурмат ва эътибор кўрсатдилар. Бу мен учун жуда қадрли ҳамда зийммамга улкан масъулият юқляди.

Ҳа, халқимиз юрт байроғини музаффар ҳалпиратган ўғлонини яна бир бор самимий қутлайди.

— Бу гал 21 сентябрь кун Берлинда аме-

риқалик боксчи Жон Рид билан рингга чиқдим. — дейди Артур. Рид 32 ёшда, АҚШ чемпиони унвонини қўлга қиритган. Жаннинг иккинчи раундиде рақибини нокаут қилиб ғалаба қозонди.

— Ғалабадан сўнг кўнглимизда қандай туйғулар келди? — Албатта, қувонч. Мен бу муборакбода юртбошимизнинг оқ фотиҳасини олиб кетган эдим. Жаҳон чемпиони деган юксак номни сақлаб қолганим ҳамда юрта голиб бўлиб, ёруғ юз билан қайтишимдан хурсандлик ҳисси чулғиди. Менга бу саволи рингда ҳам беришганда Ўзбекистонга, ўз ватаним — уйимга қайтиш алоҳида қувонч бағишлаганини айтдим.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ
Рўзнома таҳрир ҳайъати: Расулмат ХУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир уринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОҒУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ХОМИЯ: «Ўзқишлоққўжликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси
«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

Муштариёларимиз диққатига

ОБУНА БЎЛГАНГА НИМА ЕТСИН!

Мустақил мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, оммавий газетаси ҳисобланган «Қишлоқ ҳаёти» йигирма уч йилдан бери азамат пахтакорлар, галлакорлар, чорвадорлар, миришкор боғбонлар, агросаноат мажмуи барча соҳалари ходимларининг яқин ҳамроҳи, маслаҳатчиси, кумакдош ва таъинчи бўлиб келмоқда. Илгорлар тажрибасини, фан-техника ютуқларини, жаҳон деҳқончилигида эришлаган натижаларни тарғиб этиш, қишлоқдаги олдин захирақаш кишиларнинг яратувчилик меҳнатини, дунёқарашини, орзу умидларини тулақонли акс эттириш, тарихий қадриятлар, маънавият масалаларини ёритиш ижодий жамоамизнинг асосий йўналишлари ҳисобланади. Тахририйат 1997 йилда ҳам узоқ йиллар давомида шаклланган анъаналарни давом эттиришга, уларни янги-янги мавзулар билан бойитишга, истиқлол юрдошларимизга бераётган эркинликларни ва имкониятларни янада ёрқин қуратишга азму қарор қилган.

Азиз муштариёлар! 1996 йил 25 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тизимидаги Матбуот тарқатиш бўлимида барча газета ва журналлар қаторида «Қишлоқ ҳаёти»га ҳам обуна расмийлаштириш бошланди. Газеталарга ўз вақтида обуна бўлсангиз, у мунтазам равишда хондонингизга етказиб берилади. Обуна бўлиш чакана савдода харид қилишга нисбатан иқтисодий жиҳатдан фойдаланили, қулайлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Бу йил обуна баҳосини белгилашда табақалаштирилган усулдан фойдаланилди. Яъни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ҳар бирида газета-журналларни ташиш, тарқатишда турлича миқдорда сарф-харажатлар кетиши ҳисобга олинди. Тахририйат, қоғоз, бўёқ ва бошқа босмахона харажатларига вилоят ҳамда туманлар ҳудудиде ташиш, тарқатиш билан боғлиқ сарфиетлар қўшилган ҳолда яқиний баҳо аниқланди. Тахририйат, босмахона, жўнатилган харажатлари яқка тартибда обуна бўлувчилар учун 12 ойга 648 сўм, олти ойга 324 сўм, ҳўжалик, корхона, ташкилот ва муассасалар учун эса 12 ойга 852 сўм, 6 ойга 426 сўм миқдорда белгиланди. Бунга Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоят ўз ҳудудиде ташиш, тарқатиш билан боғлиқ харажатларни қўшиб, яқиний обуна баҳоси чиқарилади. Яқка тартибда обуна бўлувчилар учун индекс — 64602. Ҳўжалик, корхона, ташкилотлар учун индекс — 64646.

Ҳар бир одам — бир олам



Ваташим мағним
Чет эллардан келиб меҳмон бўлиб юрганлар, Бир умрга шунда қолай дея турганлар. Асаб қовун, узумингни тотиб қўрганлар, Сени жаннат дер маконим, Ватаним мағним.

ОЛТИН ТЎЙИНГИЗ МЎБОРАК

Мамлакатимиз пойтахтининг Форобий кучасидеги «Янги турмуш» маҳалласиде истиқомат қилаётган Ватан уруши иккинчи гуруҳ ноғирони Туробжон ота Ориповни қўлуг 75, умр йўлдоши Халима ая Ориповани табаррук 70 еши, турмуш қўрганликларига 50 йил тулиши муносабати билан уларнинг барча қариндош-уруғлари, ер-биродарлари муборакбод этмоқдалар. Улар ярим асрдан бери ҳаётининг қувончу ташвишларини, аччиқ-чучугини биргаликда тағиб, эл-юрт ҳурмат-эътиборини қозониб келишяпти.

АРЗУЙСАҢ

Ният айлаб турмушим мемориини, Биргаликда қўганимга арзийсан! Бир умрга сенга боғлиқ тақдирини, Шукр қилиб юганимга арзийсан.

ҚЎЗГАТКИ ОЧ

Танангини ёт босиб, қўзининг парда — Қоплаб яқинларни танимай қолдинг. Эски дўстларинга дуч келган дамда, Менсимай гердайиб, гўдайиб олдинг.

ЯГОНА ДУРАНГ

«Трактор» футболчиларининг фарғоналикларга 0:3 ҳисобиде ютқазилари ҳам бунга яққол мисолдир. Бу муваффақиятга яна Рустам Дурмановнинг салмоқли ҳисса қўшганини таъкидлаш жоиз. Ушбу ўйинда ҳам у икки тўп киритиб, ҳисобидеги тушларни 19 тага етказиб, тушурулар баҳсиде яқка пешқадам бўлиб олди.